

Мустақил аудиторнинг аудитор хулосаси

«ХЎЖАОБОД ТТБ» АЖ
Кузатов Кенгашига

Фикр

Биз «ХЎЖАОБОД ТТБ» АЖ нинг 2022 йил 31 декабрь ҳолатига Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари асосида тузилган Бухгалтерия баланси, Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботи, Пул оқимлари тўғрисидаги ҳисоботи ва Хусусий капиталнинг ҳаракати тўғрисидаги ҳисоботидан иборат бўлган молиявий ҳисоботини, шунингдек жамият ҳисоб сиёсатининг аҳамиятли қоидаларининг қисқача тавсифи ва бошқа изоҳловчи маълумотлардан иборат бўлган илова қилинаётган молиявий ҳисоботи аудитини ўтказдик.

Бизнинг фикримизча, аудиторлик хулосасига илова қилинган молиявий ҳисобот «ХЎЖАОБОД ТТБ» АЖ нинг 2022 йил 31 декабрь санасига бўлган молиявий ҳолатини, кўрсатилган санада тугаган йил мобайнидаги унинг молиявий натижаларини ҳамда йиллик пул оқимлари ҳаракатини барча муҳим жиҳатларда Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартларига мувофиқ ҳаққоний акс эттиради.

Фикр билдириш учун асос

Биз аудитни, Аудитнинг Халқаро Стандартларига мувофиқ ўтказдик. Мазкур стандартларга кўра бизнинг мажбуриятларимиз «Молиявий ҳисобот аудити учун аудиторнинг масъулияти» номли бўлимда баён қилинган. Биз аудит қилинаётган жамиятга нисбатан бухгалтерлар учун ахлоқ стандартлари бўйича Халқаро Кенгаш томонидан профессионал бухгалтерлар учун ишлаб чиқилган Ахлоқ кодексига мувофиқ ва «ХЎЖАОБОД ТТБ» АЖ нинг молиявий ҳисоботи аудити бўйича ахлоқий талабларга нисбатан мустақил ҳисобланамиз ва мазкур талаблар ҳамда Ахлоқ кодексига тегишли бошқа мажбуриятларни бажардик.

Биз аудит жараёнида олган аудиторлик далилларини ўз фикримизни билдиришда асос сифатида таяниш учун етарли деб ҳисоблаймиз.

Аудитнинг муҳим саволлари

Аудитнинг муҳим саволлари- булар бизнинг профессионал мулоҳазамизга кўра жорий давр учун тузилган молиявий ҳисобот бўйича муҳим аҳамиятга эга бўлган саволлардир. Улар умумий тарзда бизни молиявий ҳисобот аудити бўйича тузилган ҳисобот матнида ва ушбу ҳисобот бўйича бизнинг фикримизни шакллантиришда кўриб чиқилган. Шунинг учун ушбу саволлар бўйича алоҳида фикр билдирмаймиз.

Бошқа ахборот

Аудитор жамиятнинг молиявий ҳисоботидан фарқ қилувчи молиявий ва номолиявий аҳамиятга эга бўлган бошқа ахборотларни алоҳида текширувдан ўтказмади ва улар бўйича алоҳида аудиторлик хулосаси тузгани йўқ.

Компания фаолиятини бошқариш ва молиявий ҳисобот учун раҳбар шахсларнинг масъулияти

Жамият раҳбарияти мазкур молиявий ҳисоботни Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартларига мувофиқ тайёрлаш ва ҳаққоний тақдим этиш, шунингдек фирибгарлик ёки хато туфайли юзага келган муҳим бузиб кўрсатишлардан холи молиявий ҳисоботларни тайёрлаш учун зарур деб ҳисоблайдиган ички назорат тизимини таъминлаш учун жавобгар бўлади.

Бошқарув юклатилган шахслар молиявий ҳисоботни тузиш жараёнида компания яқин келажақда ўз фаолиятини узлуксиз давом эттира олиши қобилиятини баҳолаши, тегишли ҳолатларда узлуксиз фаолиятга тегишли маълумотларни очиб бериши учун масъул ҳисоб-ланадилар.

Бунга ташкилотни тугатиш, унинг фаолиятини тўхтатиш ёки бу ҳаракатларни амалга оширмасликнинг бошқача ечими топа олмаган ҳолатлар бундан мустасно.

Корпоратив бошқарув учун масъул бўлган шахслар ташкилотнинг молиявий ҳисоботни тайёрлашни назорат қилиш бўйича масъулдир.

Молиявий ҳисобот аудити учун аудиторнинг масъулияти

Бизнинг мақсадимиз аудит қилинаётган молиявий ҳисобот ножўя ҳаракатлар ва хатолар таъсиридаги муҳим бузиб кўрсатишлардан холи эканлигига оқилона ишонч ҳосил қилиш ва ўз фикримиз баён этилган аудиторлик хулосасини эълон қилишдан иборат.

Оқилона ишонч ишончнинг юқори даражаси бўлсада, АХСларига мувофиқ ўтказилган аудит молиявий ҳисоботда мавжуд бўлган муҳим бузиб кўрсатишларни барчасини аниқлаш имконини бермайди.

Бузиб кўрсатишлар алоҳида ёки жамланган ҳолда мазкур молиявий ҳисобот асосида фойдаланувчиларни иқтисодий қарор қабул қилишларига таъсир кўрсатса ножўя ҳаракатлар натижаси деб қаралади ва муҳим бўлиб ҳисобланади.

Аудиторлик текширувини ўтказишнинг барча жараёнларида аудитор АХС га мувофиқ профессионал мулоҳазани қўллаган ва профессионал скептицизмни сақлаган ҳолда ҳаракат қилди.

Аудиторлик текшируви жараёнида аудитор қуйидагиларни бажаради:

- жамият масъул шахсларининг ички назоратни четлаб ўтган ҳолда амалга оширган номақбул ҳаракатлари ва хатолари таъсирида молиявий ҳисоботда бузиб кўрсатишларнинг мавжудлиги rischi даражаси аниқланади;
- аудит учун муҳим бўлган ва унинг таомилларини белгилаш мақсадида, лекин АЖ нинг ички назорат тизими самарадорлигига баҳо бериш учун бўлмаган ҳолда, унинг ички назорат тизими тўғрисида тушунчага эга бўлинади;
- жамиятнинг ҳисоб сиёсати ўрганиб чиқилди, унда қўлланилган баҳоловчи меъзонларни асослилиги ва ҳисоб сиёсатини компания фаолиятига мос келишлик даражасига баҳо берилади;
- жамият фаолиятини узлуксизлиги борасидаги раҳбар шахсларнинг баҳоларини аудит жараёнида олинган далиллар асосида ҳақиқатга мос келишлиги тўғрисида хулоса

қилинади;

- текширилаётган молиявий ҳисобот бўйича аудиторлик далиллари аудиторлик хулосаси тузилган санага қадар йиғилади. Бирок, келажакдаги воқеалар ёки шароитлар ташкилотнинг узлуксиз фаолиятини давом еттириш имкониятини тўхтатишига олиб келиши мумкин;

- молиявий ҳисобот, унинг таркиби ва мазмуни тўғрисида олинган маълумотларга умумий баҳо берилди ҳамда унинг ҳаққоний тақдим қилинганлик даражасига фикр билдирилади.

Биз бошқарув ваколатига эга бўлган шахслар билан алоқа ўрнатамиз, улар эътиборига аудитнинг режалаштирилган кўлами ва муддатлари, шунингдек, аудит натижалари бўйича аудит жараёнида аниқланган муҳим кузатувлар, шу жумладан ички назорат тизимидаги жиддий камчиликлар тўғрисида маълумот берамиз.

МЧЖШ «PROFI AUDIT»
аудиторлик ташкилоти директори, аудитор



Маразиков М.М.

Маразиков М.М

Малака сертификати № 05821
Амал қилиш муддати: 16.12.2026 й

Аудиторлик ташкилотининг манзили: Тошкент шаҳри,
Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83 уй
Аудиторлик ташкилоти 2001 йилнинг 20 декабрида
39-сон билан давлат рўйхатидан ўтган. Ўзбекистон
Республикаси Молия Вазирлигининг 2019 йилнинг 02
апрелида янгиланган 00761 -сонли лицензиясига эга.

Хулоса тузилган сана:

2023 йил «30» апрель
№ 08